

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2021 йил
20 январь
ЧОРШАНБА
№ 5 (13358)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ОБОД ҚИШЛОҚ ОҲАНРАБОСИ

Қозоғистон Республикасининг Туркистон вилояти акими Умирзак Шукеев бошчилигидаги делегация Чиноз туманидаги Эшонабод массивида меҳмон бўлди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда турли вазирлик ва идоралар вакиллари, вилоят ва туман мутасаддилари, ҳудуд фаоллари иштирок этишди.

Дўстлик ришталари



Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

Миллий урф-одатимизга кўра, меҳмонлар карнай-сурнай садолар остида кутиб олинди. Бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаётган турли миллат вакиллари меҳмонларга пешвоз чиқилди.

Маросимда сўзга чиққанлар миллатлараро дўстлик муҳити ҳамда аҳил қўшничилик сиёсати халқимизни Янги Ўзбекистонни барпо қилишдек буюк гоа атрафида бирлашишига хизмат қилишини таъкидлашди. Шунингдек, ҳудудларимиз ўр-тасидаги шерикликни ривожлантиришда саноат, туризм соҳасида кўплаб икки томонлама лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлиги қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, Эшонабод қишлоғи туман марказидан 20 километр олинса, қўшни давлат билан чегара ҳудудда жойлашган. Бу ерда ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус ва украин миллатига ман-

суб 3 минг 700 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. "Обод қишлоқ" дастури натижасида янги қиёфага кирган мазкур ҳудудда катта ҳажмдаги бунёдкор-лик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Дўстлик байрамига айланган тадбирда меҳмонлар қишлоқнинг Файзобод кўчасида қад ростлаган замонавий маҳалла маркази билан танишишди. Шунингдек, янги барпо этилган 200 ўринли "Маданият саройи" кўп миллатли қишлоқ ёшларининг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъат, компьютер технологиялари билан машғул бўлиши учун имконият яратди. "Китобхонлар боғи" ва унинг марказидаги Китоб монументи эса ёшларни китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китоб-хонлик савиясини янада оширишга хизмат қилади.

2

Долзарб мавзу

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ



Бу йилги қиш одатдаги-дан анча совуқ келди. Табиийки, ёқилғи маҳсулотлари, жумладан, кўмирга бўлган талаб ҳам юқори. Вазиятни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини сифатли кўмир билан таъминлашни назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги қошида махсус штаб тузилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Вилоят бўйлаб



ОҲАНГАРОН шаҳрида Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ташаббуси билан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ёшлар, имконияти чекланган йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ургатиш масалаларига бағишланган учрашув ўтказилди.

Очиқ ва самимий тарзда ўтган мулоқотда мутасаддилар туман ёшларини қизиқтираётган масала ва муаммолар ҳусусида сўраб-суриштириб, ижобий ҳал этишга ваъда бердилар. Шунингдек, ви-

лоятнинг туман ва шаҳарларида ички ишлар профилактика ходимлари томонидан рўйхатга олинган юз нафар ёш ва уларнинг ота-оналари билан ҳам суҳбат ўтказилди.

БЎСТОНЛИҚ туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, чекка тоғли ҳудудларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда туман ҳокимлиги томонидан тиббиёт бирлашмаси тасаруфидagi "Бурчмулла", "Чимён" ва "Такаёнғоқ" маҳалла фуқаролар

ийгини ҳудудидаги тез тиббий ёрдам шахобчаларига автомобилналар берилди. Эндиликда бу ҳудудларда аҳолига кўрсатиладиган тез тиббий ёрдам хизмати сифати тубдан яхшиланади.



БЕКОбод туманининг Зафар шаҳарчасида Ўзбекистон кикбоксинг ассоциацияси вилоят бўлимининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2020 йил давомида амалга оширилган ишлар, шунингдек, хато ва камчиликлар таҳлил қилинган ҳамда ўтказилиши кўтилган мусобақаларга пухта тайёрлик кўриш масаласи кўтарилди.

Яқинда ўтган йили нуфузли мусобақаларда ғолибликни кўлга киритган ва мазкур спорт турининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган мураббийларга "Фахрий мураббий" кўкрак нишонлари топширилди.

Савдо-саноат палатаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҚИБРАЙ тумани бўлими ҳамкорлигида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар учун бепул ўқув-машғулотлари жорий этди.

Ўқув курси якунида ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш ва тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш учун уларни "1+1" лойиҳаси доирасида йўналишлар бўйича ишбилармон тадбиркорларга бириктириш назарда тутилган.

Ҳозирда курсга келган 207 нафар ёшдан 40 нафари дастлабки машғулотларда қатнашишмоқда.

Бугунги кунда аҳолига яхши шароитларда, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида зарур техник жиҳоз ва воситалар билан таъминланган давлат хизматлари марказларининг замонавий бинолари олис ва чекка ҳудудларда ҳам қад рост-лаб, кўзни қувонтирмоқда. Вилоятимизда худди шундай марказлар сони яна биттага кўпайди.

Қулайлик

Ҳали ишингиз бир жойда битасиз



Чиноз тумани давлат хизматлари маркази янги биносининг очилишига бағишланган тадбирда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори Улўбёк Муҳаммадиев, туман ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, меҳнат фахрийлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Таъкидлаш керакки, туманда 135 миңдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 2020 йилда марказ томонидан 29 мингга яқин давлат хизматлари қўрсатилди. Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида 438 та, юридик шахс сифатида 269 та янги тадбиркорлик

субъектлари давлат рўйхати-дан ўтказилди.

– Янги марказ биносининг қурилишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларига аҳолида эътибор қаратилди, – дейди марказ директори Муроджон Иброҳимов. – Бу, ахборот тизимларини идоралараро интеграция қилишини яхшилаб, аҳолига давлат хизматларини қулай ва ўз вақтида олиш имконини беради. Навбатни тартибга солиш ва хизмат кўрсатишни баҳолаб бориш мақсадида Швециянинг "QMATIS" компаниясидан харид қилинган электрон тизим ўрнатилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Янги тизим

ID-КАРТНИ БИР КУНДА ОЛИШ МУМКИНМИ?

Ҳамма нарсанинг янги сизга қизиқман. Ҳатто, Ҳужрий этилган янги тартибни биринчилардан бўлиб синаб кўришга ошмаман. Шу боис, 1 январдан ID-карта (янги паспорт) олиш тизими йўлга қўйилиши ҳақида эшитиб, 16 ёшга тўлган синглимга ҳамроҳ бўлдим. Шу баҳона ҳам касбим тақозоси, ҳам қизиқишим туфайли тизимнинг амалдаги тартибидан бохабар бўлдим.



Охангарон тумани ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида сизнинг тизим одам раҳбар қабулига навбат кутиб турибди. Асп мақсадим маълумот олиш эмасми, дарров мулоқотга киришим. Паспорт олиш тартибини сўрадим: илк бор келганлар раҳбарнинг олдида кирар экан. Йўл-йўриқ сўралган, ФХДёга бориб "ниманидир" рўйхатдан ўтказиб

келиш керак экан. Маълумот учун, Охангарон тумани ФХДёси Нуробод қўрғонида жойлашган. Масофа жуда ҳам яқин эмас: 7 ёки 10 км. Қайтиб келган суратга туши-лумот олиш эмасми, дарров мулоқотга киришим. Паспорт олиш тартибини сўрадим: илк бор келганлар раҳбарнинг олдида кирар экан. Йўл-йўриқ сўралган, ФХДёга бориб "ниманидир" рўйхатдан ўтказиб

(Давоми 2-саҳифада)

ОБОД ҚИШЛОҚ ОҲАНРАБОСИ

Шу куни делегация аъзолари қишлоқда янги очилган "Qojakent Textile" тикув корхонаси фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди.

Этироф этилганидек, эндиликда қишлоқ аҳолиси замонавий тикув корхонасида меҳнат қилиб, рўзгорига барака киритмоқда. Олис бир ҳудудда марказдагидан асло қолишмайдиган корхона қурилгани, икки сменада 500 нафар хотин-қиз эркалар учун замонавий услубда пальто, костюм-шим, махсус кийимлар ишлаб чиқараётгани, маҳсулотлар маҳаллий ҳам ашёдан тайёрланиб, экспорти ҳам йўлга қўйилгани меҳмонларни қувонтирди.

— Ўтган йили мактабни тамомлаб, мана шу корхонада ишлаб бошладим, — дейди Қахрамон Нуруллаев. — Мен тайёр кийимларни дазмоллаш билан шуғулланаман. Корхонамизда барча шароитлар яратилган,

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ойлик маошимиз ўз вақтида берилаяпти. Мухими, оилам бюджетига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Ҳозир текстиль соҳасида иш ўрганаёпман. Бу йил олийгоҳга киришни мақсад қилганман.

Дарвоқе, 2020 йилда корхонада ишлаб чиқарилган 350 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Корхона қошида хотин-қизларга бичиш-тикиш сирларини

ўргатувчи 200 ўринли замонавий ўқув маркази ҳам иш бошлаган.

Делегация аъзолари корхонанинг ишлаб чиқариш иш ўрганаёпман, иқтисодий кўрсаткичлари ва экспорт имкониятларини кўздан кечириб, мутахассислар билан келгусидаги ҳамкорлик бўйича фикр алмашишди.

Ўз мухбиримиз Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар



Ҳамма шиммиз бир жойда битади



Марказнинг кенг, ёруғ ва шинам хоналарида аҳолига бир вақтнинг ўзида 150 га яқин тезкор, қулай, шаффоф давлат хизматлари кўрсатилади. 20 та қабул ойнаси орқали кунига 300-400 фуқарога хизмат кўрсатиш имконияти яратилган. Электрон навбат тизими эса 6 та мониторда акс этиб туради. Бу ерда қўлчилик қизикаётган эски хайдовчилик гувоҳномасини янги намунадагисига алмаштириш хизмати ҳам йўлга қўйилади.

— Марказнинг аввалги биносида Бош вазир қабулхонаси, нотариус ва адлия бўлимлари ҳам жойлашган.

Шунингдек, марказ биносида Бош вазир қабулхонаси, нотариус ва адлия бўлимлари ҳам жойлашган.

Зухриддин РАҲМОНОВ Тошкент ҳақиқати/ Мансур НАХАЛОВ олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Янгилик

Эндиликда ҳокимликлар электрон тизим орқали қарор қабул қилади

Бу ҳақда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва баҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Президент фармони лойиҳасида келтирилди.

Мазкур тизим 2021 йилнинг 1 майдан бошлаб амалда татбиқ этила бошланади. Бунга Адлия, Ахборот технологиялари вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари масъул этиб белгиланди.

Шу билан бирга электрон тизим орқали қабул қилинмаган ҳужжатларни амалга киритганлик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказмаган ҳолда тизим орқали қабул қилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш кўзда тутилмоқда.

Ушбу лойиҳа орқали маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларини ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш,

электрон тизимдан фойдаланиш, уни юритиш ва унда жамоатчилик иштирокини таъминлаш ишлари амалга оширилади.

ID-КАРТНИ БИР КУНДА ОЛИШ МУМКИНМИ?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Хабарингиз бўлса керак, ID-карталар чет давлатларда ўз вазифасини бажара олмайди. Эътиборлиси, (навбатда турганларнинг деярли 90 фоизи) энг кўп мувожаатчи четга чиқиш учун "қизил паспорт" олиш ниятида экан. Аксарияти ёшлар: қўшни давлатларга ўқишга кирган талабалар. Контракт суммасининг камлиги ва имтиҳонсиз ўқиш имтиёзининг борлиги учун улар шу (осон) йўлни танлашибди. Улар: "Ҳозирча ўқиб турайлик, кейин шароитга қараб, Ўзбекистонга ўқишни кўчириб оламиз", дейишди. Илм олиш иштиёқида бўлган талабаларнинг сўзларини эшитиб, беҳад мутаассир бўласиз. Майли, давр келибди, отни қамчилаб қолишин...

Навбатимиз келганда, раҳбар 16 ёшга тўлганда олинган ID-карталар берилмаслиги, тизимда баъзи муаммолар борлигини айтди. Ортимизда турган фуқаролардан овозлар келди: "Бизга ҳам худди шундай жавоб эканда, унда нимага эртaroқ айтмайсизлар, кутиб ўтирмасдики!" Дарҳақиқат, улар биз каби маълумот олишни мақсад қилиб келишмаганда. Аммо, нима ҳам қила олардик, тақдирни тадбир билан беркитиб бўлармиди?

Яна бир ҳолатни айтиб ўтмасак бўлмайди: бўлимда хизматчилар етишмайди-ми ёки фуқаролар жуда кўпчилиги сабабми, барчасига раҳбарнинг ўзи елиб-югуриб юрибди. Бинога кирган фуқаро бир зум довдираб қолади. Нима қилишни, кимга учрашни айтганидан одам йўқ. Ҳар эшик олдида одамлар, одамлар...

Биз эса ундабуронлик билан раҳбардан мобил телефони рақамини олдик: тизим қачон ишлагани ўзлари хабар қилишадиган бўлди. Орадан 3-4 кун ўтиб, Адхам Аҳмеджанович (Оҳангарин тасмий ИИБ миграция ва фуқароларни рақамлаштириш бўлими бошлиғи) эшикларини қoқдик. Ярим соатда шиммиз битди.

Керакли ҳужжатлар: ота-онанинг паспорт нусхаси, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, уй кадастри олиб борилган экан. Давлат божи базавий ҳисоблаш микдорининг 89 фоизини ташкил этади: яъни — 198 минг 470 сўм. Бу микдор банкдан тўлов қилганларнинг айтишича, қандайдир фоиз билан 202 минг сўм бўлармиш. Биз CLICK тизими орқали тўлов қилдик. Унда ҳам фоизи билан 202 минг сўм бўлди. Аммо, кўпчилик фуқаролар CLICK тизими орқали тўлов қилишни билишмас экан. Шу сабабли, банкка бориб, навбатда туриб тўлов қилиб келишмоқда.

Биз карта ҳужжатларини расмийлаштираётганимизда паспортни олиб кетишга келган бир қизнинг онаси ID-картаси 3 кунда тайёр бўлганини айтди. Бизга (синг-лимга) эса янгича кўринишдаги паспорт бир кундан кейин тайёр бўлади дейишди. Бугун тонда СМС хабарнома келди: "Зудлик билан паспортингизни олиб кетинг". Сиз бу мақолани ўқитганингизда ID-карта синглимини қўлида бўлади.

Сиз эса янги паспорт олгани борганингизда адашиб юрмайсиз, маслаҳатимизга қўлоқ тутиб, вақтингизни тежайсиз.

Мадина АБДУСАМОВА Тошкент ҳақиқати/

Қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни жорий этиш, экологик тоза, арзон ва сифатли маҳсулотлар етиштиришда томорқа хўжаликларининг ўрни катта.

Ўрта Чирчиқ тумани, "Роватак" маҳалласида иштирокчи қилувчи Хонпошша опа Аҳмедовани нафақат маҳаллада, туманда ҳам кўпчилик яхши танийди. Сабаби, Хонпошша опа узоқ йиллардан бери деҳқончилик билан шуғулланиб, маҳалладошларига ўрнак бўлиб келади.



Мазкур оила томорқачиликнинг ҳадисини олган. Муъжазгина ердан йилга 3-4 марта лаб ҳосил олади. Ҳозир иссиқхонада лимон, помидор, бодринг, бақлажон, лавлага, қулпнай ва кўкатлар парварिश қилинмоқда. Ҳар қарич ерлан унумли фойдаланиш мақсадида лимон кўчатлари орасига қулпнай экилган. Шунингдек, иссиқхонага экилган полиз маҳсулотлари айна "илк узилди" пайтида маҳаллий бозорларга етказиб берилди.

— Янги серҳосил навларни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшаётган Хонпошша опа Аҳмедова "Намуна-

ТОМОРҚА – ТОМНИНГ ОРҚАСИ ЭМАС

У оиланинг "юзи", даромаднинг нақ ўзи



ли томорқачи" кўрак нишони билан тақдирланди, — дейди туман Фермер, деҳқон хўжаликларига ер эгалари кенгаши раҳбари Бобур Эрматов. — Унинг бу фаолияти худуд аҳолиси учун ҳақиқий намунадир. Қувонарлиси, маҳалламиздаги оилаларда "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида етиштирилаётган маҳсулотлар халқимиз дастурхони тўқинлиги ва маҳаллий бозорларнинг арзонлашишига хизмат қилмоқда.

Мазкур маҳаллалик 22 ёшли

Жамшид Эргашев ҳам бундан тўрт йил аввал 5 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, яхшигина даромад топишни йўлга қўйган эди. Бугунга келиб, у иссиқхонасидан йилга 4-5 марта лаб ҳосил йиғиштириб олишга эришмоқда.

— Ўтган йили иссиқхонага турп, қарам, лавлага, саримсоқ пиёз ва кўкатлар эккандим, — дейди тадбиркор. — Маҳсулотларим витаминларга бой бўлгани сабабли уларнинг бозори пандемия даврида чаққон бўлди. Ҳар ҳосилдан ўртача 6 миллион сўмдан соф даромад олдим.

Жамшиднинг йилдан-йилга тажрибаси ошмоқда. 2 йилдан бун иссиқхонасида томчилаб суғориш усулини йўлга қўйди. Шунингдек, тадбиркор йилит фақатгина иссиқхона билан чекланиб қолмасдан, уйда 2 минг дона бедана ҳам боқади. Ҳар ойда бедана туҳумларидан ҳам 5 миллион сўм соф фойда олмоқда.

К. ЭГАМБЕРДИЕВА

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Штаб томонидан республикада кўмир қазиб олиш, вагонларга юклаш ва худудлар бўйлаб тақсимлаш ишлари қатъий назоратга олинган. Вагонларга ортишдан аввал кўмир лабораторияда текширувдан ўтказилади ва сертификат берилди. Фақат кўмирни тўғри ташин ва сақлашда ҳам эътибори бўлиш керак. Бу иш билан "Кўмиртаъминот" масъулияти чекланган жамиятининг маҳаллий шаҳобчалари шуғулланишади.

Жумладан, Янгийўл ва Чиноз туманларидаги 70 дан зиёд (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

маҳаллаларга ҳам мазкур жамият томонидан кўмир етказиб берилмоқда.

— Биринчи навбатда, кўмирни "Темир дафтар"га киритилган, кам таъминланган оилаларнинг уйларига етказиб беришни йўлга қўйди, — дейди "Маҳалла" хайрия фондининг Янгийўл тумани бўлими бошлиғи Абдуғани Абдураҳимов. — Айниқса, чекка худудлар аҳолиси, таълим ва тиббиёт муассасаларига кўмирни ўз вақтида етказиб берилишини қатъий назоратга олганмиз. Ҳозирда ҳар бир оилага ўртача 500 кг.дан кўмир ажратилмоқда.

— Худудимизда 2 мингдан зиёд аҳоли яшайди, — дейди "Ҳақиқат" маҳалласи раиси Тўлаған Нишонбоев. — Олтига оила "Темир дафтар"га киритилган. Уларга ҳар томонлама ёрдам бериб келаяпмиз, жумладан, кўмир билан ҳам вақтида таъминлаб турибмиз. Мана, қишнинг ҳам ярми ўтди. Бу ёғи ҳам аҳолини кўмир билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилмайди.

К. САЛОМОВА Тошкент ҳақиқати/ Р. ГАЛИЕВ олган суратлар



Дарвоқе

Сўнги вақтларда ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларини шахмат олами билан боғлиқ бир муаммоли ҳолат ниҳоятда таажжубга солди. Воқеалар ривож шу даражага етиб келдики, Ўзбекистон шахмат федерацияси таъна тошларига кўмилиб кетди. Аслида пичоқ суякка бориб тақалгач "ёрилган" опа-сингил Тоҳиржоновалар ушбу спорт туридаги ягона "қурбонларми?" Куйида ана шундай ҳолатлар бўйича сўз юритамиз.



БУНИ
МАРДОНА "КИШТ" дейди...

2004 йил "Ақл гимнастикаси" бўйича 17-жаҳон чемпионати шахматимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Боси, ўша турнирда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида зафар кучди. Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов у ҳақида шундай ёзганди:



– Тарихда бу уйнинг кўп сеҳрларлари ўтган. Лекин, улар ичида жаҳон чемпиони даражасига етганлар санокли одамлардир. Буюк Вильгельм Стейницдан бошлаб, Капабланка, Алехин, Ботвинник каби шахмат чавандозлари от сурган. Бизнинг замонага келиб Кар-

деydiлар...

этишади. Улар Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси Хулқар Тоҳиржонов ва ҳамда 12 ёшли спортчилар орасида Ўзбекистон чемпиони Темури Игонин эди. Тоҳиржоновнинг тақдирини барчага маълум. Темури Игонин эса ҳозирда юртимиз билан бир қаторда Австралия байроғи остида ҳам мусобақаларда иштирок этмоқда. Хўш, вазият шундай тус олишига нима сабаб бўлди?

2021 йил. Гроссмейстер Гулруҳбегим Тоҳиржонова бундан буён халқаро мусобақаларда АҚШ номидан иштирок этишга қарор қилди. Хулқар Тоҳиржонованинг таъкидлашича, федерация кичкина Тоҳиржонованинг терма жамоа сафидан чиқарилишини унинг 2019 йилда АҚШга ўқишга кетгани билан изоҳлаган. Бироқ, етакчи спортчимизни термадан ҳайдаш учун бу етарли сабаб бўла олarmiқан?

Қолаверса, тизим шундай ишлашда давом этса, бундан ҳам катта йўқотишларга учрашимиз мумкинку?!

Дарвоқе, дунёнинг энг ёш гроссмейстерларидан бири, турли ёш тоифаларида 6 қарра жаҳон чемпиони Жаҳоҳир Синдоров Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан шахматчиларга нисбатан муносабат ижобий томонга ўзгармаса, ўз федерациясини алмаштириши ҳақида маълум қилган эди. Унинг таъкидлашича, айнан эътиборсизлик натижасида укаси Исроил Синдоров шахматдан узоқлашган.

Хайрият, энди барчаси яхши томонга ўзгарадиган бўлди. Яқинда давлатимиз раҳбари мамлакатимизда шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган жуда муҳим қарорни имзолади. Унга қўра, бундан буён шахмат бўйича қатор миллий ва халқаро мусобақалар ташкил этиш, шу орқали чекка ҳудудлардан ҳам яхши савиядаги спортчиларни саралаб олиб, терма жамоа учун муносиб кадрлар етиштириш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Мақур қарор шу вақтга қадар кўр-кўронда, маъсулиятсизларча қилинган ишларга чек қўйиб, шахмат бобида ҳаваскорлардан тортиб, профессионалларгача улкан мақсадларга элтувчи янги йўлни очиб берса ажабмас.

Мана буни мардона "кишт" дейдилар...

Сухробжон САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати

Музейни томоша қилгани келганлар

«Музей берк, ремонт» деган ёзуви ўқиб, қайтиб кетаверишарди. Аммо, соқоли кўксига тушган, икки лунжи филнинг қулоғига ўхшаб осилган бир чол эшикни очасан, кириб карнайимни кўраман, деб икки оёғини бир этикка тикиб туриб олди. Қоровул тушунтирса ҳам тижирлик қилиб тушунмай тураверди.

– Кираман, кўраман, вассалом!
Охири қоровул уни ичкарига киритишга мажбур бўлди.

– Боринг, директор билан ўзингиз гаплашинг. Чол ичкарига кирди.

Директор қозғаларга кўмилиб нималарнидир ёзиб ўтирарди. У бошини кўтариб чолга қаради.

– Келинг, отахон!
– Мен Буваҳон карнайчи бўламан.
– Жуда саз, – деди директор. – Карнайчи чакирганимиз йўқ эди-ку. Тўй қилиш ниятимиз ҳам йўқ.

– Буваҳон карнайчини билмасанг, дунёдан беҳабар одам экансан-ку. Тўйга эмас, карнайимни кўргани келдим.

Директор қолларини керди.

– Қанақа карнай?
– Музейингда карнай борми ахир?
– Бор, – деди директор.

– Ўша менинг карнайим бўлади. Эллик йил чалганман уни.

Дарҳақиқат, музейда битта эски карнай бор эди. Бу карнайнинг қаёқдан келиб қолганини, нима ҳосияти борлигини ҳеч ким билмасди. Музей илмий совети бу номаълум карнайни экспозициядан олиб ташламоқчи эди.

– Э, шунақа демайсизми? Қани ўтиринг, отахон, – деб директор унга термосдан чой куйиб узатди. – Келганингиз жуда яхши бўлди. Ўзингиз кимсиз, бу карнай қанақа қаромат кўрсатган, бир бошдан айтиб беринг.

Директор Буваҳон карнайчи пиёлагади чойни ҳўплагунча стол четида турган магнитофоннинг тугмасини босиб қўйди.

– Ох, отагинанг айлансин, биз кўрган карнайчилар энди қаёқда дейсан. Ҳозиргилар карнай пуфласа, лунжи шишмай туриб нафаси биқинидан чиқиб кетади. Карнай деганини пуфлаганда қорин чилиминг белидан ингичка бўлиб кетиши керак. Ҳозиргилар пуфлаганда киндиги пул этиб қўйлагани туртиб чиқади. Йўқ, бу болалардан рисоладаги карнайчи чиқмайди... Аслини олганда, карнайчилик муҳим касб эмас. Карнай деган тўйда, ҳайит-маъракаларда чалинади. Азада чалиб бўлмаса. Хонаки базмларда дутор-танбўра ўхшатиб улфатларнинг кўнглини олишга ярамаса. Кимга қийин, карнайчига қийин. Аммо, Буваҳон карнайчининг айтишича, йил-ун икки ой карнайбол иш топилиб турган.

Отагинанг айлансин, гапимга ишон. Лунжим бирон кун бекор турганини билмайман. Кечасию кундузи пуфлаганини пуфлаган. Нима бўлади-ю, вокзалдаги темир йўл зовутининг гудоғи бузилиб қолади. У пайтларда одамларда соат деган нарса бўлмасди. Ҳамма эрталаб ўша зовутини гудоғи билан уйғонарди. Ўша пайтда невалтини зовутига Буваҳон акаг керак бўлиб қолган. Саҳар пайтида кўш отли извош билан олиб кетишарди. Водақашқанинг тепасига чиққолиб шаҳарнинг тўрт тарафига қараб бир пуфлардим, ё бафармони худо, бу томони Хаситиом, бу томони Жарарик, бу томони Занги ота, бу томони Яланғоч пирим алғов-далғов бўлиб кетарди. Тошкент вилоятда қанчаки ит бўлса баб-баробар ақиллаворарди. То

гудок тузалгунча бир ярим ой Тошкентни ўзим

уйғотиб турганман. Э, сенлар нимани биласанлар...

Буваҳон карнайчи пиёла тағида қолган чойни ҳўплаб, томоғини намлаб олгандан кейин гапини давом эттирди:

– Некалай пошшо ўлгудек хасис одам эди. Тупроқ-кўрғондаги крепосда аскарлар турарди. Ўку замбараклари ҳам ўша ерда эди. Ҳар кун тушлик пайтида тўп отиларди. Бунинг маъноси абад вақти бўлди, дегани эди. Одамлар тўпотар маҳали бўлдимикан, деб қутишарди. Хотини талоқ оқ пошшо энди бас, тўп отилмасин, гирмон уриш бошлади, порох исроф қилинмасин, деб приказ қилти.

Ана шунда нима бўлди, дегин. Тошкентдек шаҳри азимда кеча билан кундузнинг фарқи қолмади. Тўп отилмагандан кейин вақт қай маҳал бўлганини ким қаёқдан билсин? Ана шундоқ оғир кунларда яна Буваҳон карнайчи керак бўлди. Эшигининг олдида извош келди. Икки саллот иззат-икром билан олиб кетди. Крепосига кирганимда қарасам, Қозиб калон ҳам ўша

Биллур бисотдан

Ўшанда Охунбобоев карнайимга лента тақиб қўйганлар.

Сен нимани биласан, усталда ўтирибсан, биз бўлмасак сенга бу устал қаёқда эди? Текстил комбинати ишга тушганда ҳам Буваҳон акаг карнайини чалиб, одамларни ишга чақирган. Гидроистанса очилганидаям, Селмаш зовути битгандаям, қишлоқ ҳўжалиги Виставкаси очилгандаям шу Буваҳон акаг карнай чалган. Бўдённий И. Раҳматни отга миндирганда ҳам Буваҳон акаг истодионда роса карнай чалган.

Йигитларимиз Гитлернинг онасини Учқўрғондан кўрсатиб, ғалаба билан қайтганларида бир ой вокзалда қолиб кетганман. Москва томонидан келаётган поездки бор, йўлда туриб олиб, роса карнайимни чалганман, акаси, мени ким деб ўтирибсан? Уёғини сўрасанг, бу карнай Ҳамза билан Хоразмдан то Қорақалпоққача борган. Бу карнай Муҳиддин қори труппаси билан Фарғона водийсини айлиниб Тамаракхонимни йўрғалатган.

«Хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонини ҳар кимгаям беравермайди. Фарғона ка-

Санд АХМАД



ерда экан. Кимдир: аввал унинг қорини тўйдириб керак, бўлмасам карнай пуфлашга ҳоли келмайди, деб қолди. Мис тоғорачада қазига ўхшаган бир таом келтиришди. Дарров билдим. Моя мусулмон чалавек, калбаса не қушайт, дедим. Шунда Қозиб калон: аз заруратан калбасага танавули жоиздир, деб қолди. Ичимда, уволени сен, савобини ўзимга бағишладим, деб пок-показ экан бўлиб турирдим. Дуруст, ёмон таом эмас экан. Ёнбошига тўпнотча таққан погонли семиз киши, бошла, деди. Калбасани қувватими, ё ўзимда бир куч пайдо бўлдимми, икки лунжимни қўйнинг думбасидек қилиб карнай жонворни бир пуфладим. Тошкентда қанча қарға, қанча каптар муслича бўлса ҳаммаси осмонга патирлаб кўтарилди. Итлар ақиллаворди. Қўй-қўзиларнинг маърашини айтмайсизми?! Бу ҳам майли-я, эшак ўлгирига ханграшни ким қўйилти?

Шундай қилиб, салкам икки йил извошга тушиб крепосга бордим, тўп ўрнига карнай чалиб халқимга хизмат қилдим.

Инқилоб бўлгандан кейин ҳам бир кун бекор турганим йўқ. Қаерда метинка бўлса, қаерда йигин бўлса Буваҳон акагнинг карнайи билан лунжи иш бераверарди. Ҳозирги Свердлов театри Юпатов серки эди. Катта мажлисларга одам йигиб беринг, дейишди. Томга чиқиб кадрдон лунжи билан карнайимни ишга солдим. Беда-бозордаги Дом деҳқонга Бутуниттифоқ оқсоқоли келганларида ҳам карнай чалиб, одам йигиб берганмиз. Э, сенлар нимани биласанлар? Буваҳон оталарингни бошидан нималар ўтмади-ю, кўзлари нималарни кўрмади. Тошкент атрофларида колхоз тузилиб биринчи ҳосилдан «Қўзил қарвон» қилиб шаҳарга қовун-тарвуз олиб келинган. Ўшанда ҳам Буваҳон акаг карвон олдида Чигатой дарвозадан то Эски жўвагача тинмай карнайини ватиллатиб келган.

налининг икки юз етмиш километр масофали трассасида карнай чалавериб, лунжларим дирижабль бўлиб кетган. Бўлмасам, Усмон Юсупов бекордан-бекорга «БФК» нишонини кўрагимга тақиб кўяримиди? Қўй, укам, мени кўп жавратма. Эшикни оч. Қадрдон карнайимни бир кўриб кетай. Илоҳи бўлса, рухсат бер, битта пуфлаб қўяй.

– Йўқ, отахон, мумкин эмас, музейнинг ёнбошида туғуруқхона бор. Ҳомиллар хотинлар бола ташлаб қўямасин.

Директор магнитофон тугмасини босиб, ўрнидан турди.

– Юрий, ота, ўша қадрдон карнайингизни кўрсатиб қўяй.

Улар буюқ ва нам оҳақ ҳиди анқиб турган йўлақдан ўтиб «Санъат тарихи» деган катта залга киришди. Чол ойнавон жавонда яшил духоба устига ёнбошлатиб қўйилган карнайини дарров таниди. Кўзлари яшнаб, беихтиёр, бормисан кадрдон, деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Тўққиз кундан кейин музей очилди. Шу пайтгача номаълум бўлган карнай қўйилган залда ҳар кун бир неча марта Буваҳон карнайчининг магнитофонга ёзилган овози янграйдиган бўлди.

«Ох, отагинанг айлансин, у пайтдаги карнайчилар...», – деб бошлариди унинг сўзлари.

Орадан сал кун ўтмай хорихдан келган бир турист музейнинг эсдалик дафтарида шундай ёзув қолдирди:

«...Оддий карнайчиси шунча иш қилган бўлса, олими, ишчиси қанақа ишлар қилдиҳкин? Йўқ, бунақа халқни йўлдан уриб бўлмайди...»

Касаба уюшмалари ва ҳаёт

Яқин йилларгача касаба уюшмаларининг меҳнат муносабатларидаги иштирокида муайян даражада оқизлик сезиларди.

Ўтган йили пандемия даврида иш бошлаган Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Тошкент вилояти инспекторлари фаолиятининг аввалиданок қорхона, ташкилот ва муассасаларда санитария қоидалари ва меъёрларига амал қилиниши, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида жамоатчилик назоратини кучайтиришга киришди. Касаба уюшмалари тизимида ташкил этилган меҳнат инспекцияси жойларга чиқиб, амалдаги тартиб меъёрларига "соя" солаётган ҳолатларни ўрганиб, уларга чек қўйишда ўзига ҳос кучга айланган.



АДОЛАТ ТАРОЗИСИ БУЗИЛМАСИН

Масалан, ўтган йили вилоят бўйича жами 663 та ташкилот, қорхона ва муассасада жамоатчилик назорати ўтказилиб, 670 та камчиликлар аниқланди ва барчаси ижобий ҳал этилди.

Карантин даврида Covid-19 га чалинган беморларни даволаётган тиббиёт ходимларига тўловларни ҳисоблашда хатоликка йўл қўйилгани аниқланди. Натижанда, 730 млн. сўмдан зиёд маблағ 574 нафар тиббиёт ходими фойдасига ундириб берилди.

Пахта терими мавсумида 781 кишининг ҳуқуқлари тикланиб, 308 млн. сўмдан зиёд маблағ ундирилди. Нефть-газ ва геология ташкилотларида аниқланган 21 та камчиликнинг барчаси ижобий ҳал этилди.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ касаба уюшмалари томонидан иш ҳақидан мuddати ўтган

қарздорликни ундириш мақсадида иш берувчилар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқий инспекциялар, прокуратурага 4 марта муружаат қилиниб, ўз вақтида тўланмаган 918 млн. сўм иш ҳақи тўлаб берилишига эришилди. Жумладан, ҳисобот даврида:

– маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва раҳбарлари номига 4 та расмий талабнома киритилиб, Қўбрай иссиқлик манбаидан 212 млн. сўм, "Uz-Shindong Silicon" қўшма қорхонасидан 706 млн. сўм иш ҳақидан мuddати ўтган қарздорлик ундириб берилишига эришилди.

Аҳамиятлиси, вилоят касаба уюшмалари томонидан аҳолининг кам таъминланган қатлами-ни қўллаб-қувватлаш мақсадида 23 минг 93 нафар эҳтиёманд оила, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга 18,1 млн.

сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, дезинфекция воситалари тарқатилди. Қайд этиш керакики, бу ҳаракатлардан мақсад – бирор иш берувчи ёки амалдорнинг номи-ни қора қилиш эмас. Ақсинча, барча ташкилот ва қорхоналарда меҳнат кўнунчилигига риоя этилишини назоратга олиш, ишчи-хизматчиларга яратилган шароитларни яхшилаш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлашдир. Зеро, вилоят касаба уюшмалари ходимлари олиб бораётган барча саяб-ҳаракатлар шу мақсадга йўналтирилган.

Ш. ҲАЗРАТҚУЛОВ,
У. ШАМСИДДИНОВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнат инспекциясининг Тошкент вилояти бўйича инспекторлари

Эълонлар

"BIZNES FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI" MЧЖ

Жамиятнинг 2020 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига		Пассив	Йил бошига	
		Йил бошига	Йил охирига		Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	1 585 677,00	1 703 393,00	Устав капитали	8 483 205,00	9 770 889,00
2	Узоқ мuddатли инвестициялар	0,00	0,00	Қўшилган капитал	1 565,00	1 565,00
3	Капитал қўйилмалар	0,00	0,00	Резерв капитал	155 816,00	220 496,00
4	Товар-моддий захиралари	3 304,00	4 778,00	Тақсимланмаган фойда	1 298 889,00	3 791 346,00
5	Дебиторлар	747 588,00	337 800,00	Мақсадли тушум ва фондлар	0,00	0,00
6	Пул маблағлари	186 989,00	187 176,00	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	0,00	0,00
7	Қисқа мuddатли инвестициялар	13 937 475,00	13 266 221,00	Узоқ мuddатли мажбуриятлар	6 999 582,00	2 241 044,00
8	Жорий активлар	654 001,00	674 050,00	Жорий мажбуриятлар	175 977,00	148 078,00
	Жами, активлар	17 115 034,00	16 173 418,00	Жами, пассив	17 115 034,00	16 173 418,00

Жамиятнинг 2020 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

Кўрсаткичлар номи	Даромад		Харажат	
	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	9 368 581,00			
Сотилган маҳсулотлар таннархи				
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойда	9 368 581,00			
Давр харажатлари, жами:				2 542 658,00
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	603 521,00			
Валюта курслари фарқидан даромад	34,00			
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	7 429 478,00			
Фоишлар шаклидаги харажатлар				1 069 973,00
Валюта курслари фарқидан зарар				44,00
Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда	6 359 461,00			
Даромад (фойда) солиғи				960 108,00
Фойдадан бошқа солиқлар ва йигимлар				
Ҳисобот даврида қорхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	5 399 353,00			

Жамиятнинг 2020 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти ақунлари АЖ шаклидаги «TRANS-AUDIT-A» аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувдан ўтказилган.

Аширматов Рустам Туляганович номига берилган Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Дўстлик ҚФЙ ҳудудида жойлашган уйга тегишли бўлган 11-12-10-01-04-0074 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент давлат техника университети томонидан Нематиллаев Ғиёсбек Тўлқин ўғли номига 2017 йилда берилган рейтинг дафтарида йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Ер тузиш ва кўчас мулк кадастри ДҚ Тошкент филиали томонидан Масалбой ҳудуди "Нурхўёт" МФЙ, Иқбол 2-кўчаси, 11-уй эгаси Тажриев Фуркат Сайфитдинович номига берилган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ким Ватанга содиқ бўлса, МЕНДИРМАН ўША!

Юқори Чирчиқ туманидаги "Миллатлар дўстлиги" маданият саройи майдонида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги муносабати билан "Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Давлатимиз мадҳияси билан бошланган тадбирда сўзга чиққан фахрийлар Ватан ҳимоячиларини қутлуг сана билан муборақбод этиб, шарафли бурчларини адо этишда уларга омад тилашди.



Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир ёшларни миллий Армиямиз билан фахрланиш, уларда дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада ривожлантириш, шунингдек, ёш авлодни миллатлараро тотувлик, бағри-

кенглик руҳида тарбиялашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Тадбирнинг бадиий қисмида Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари, Миллий Гвардия ҳарбий хизматчилари, Фавқуллода

вазиятлар вазирлигининг ёнгин-қутқарув бўлинмаси ходимларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Марказий ҳарбий оркестр хонандаларининг Ватани ва миллий Армиямизни мадҳ этувчи кўшиқлари барчага байрамона кайфият улашди.

Шунингдек, тадбир доирасида ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Зухриддин РАҲМОНОВ
Тошкент ҳақиқати
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Бир жуфт масал



ОЙ БИЛАН КУНГАБОҚАР

– Жудаям хушомадгўйсан-да, Кунгабоқар, – деди Ой хўмрайиб.
– Қуёш қаёққа қараб юрса ўша ёққа бурилиб илжайганинг илжайган, биздақаларга бўлса қайрилиб ҳам қарамайсан. Нима, менда ёруғлик йўқми?
– Ёруғлигинг-ку бор-а, – деди Кунгабоқар. – Лекин иссигинг йўқ-да...

АРЗИ ҲОЛ

(Ҳазил)

– Мунчаём шўрланиб кетибсан, Денгиз опа? – деб сўраб қолди Денгиздан Дарё. – Илгари мендақа чучук сувли эдинг-ку?
– Пешонам шўр экан. сингилжон, утириб қолдим, – деди Денгиз.

Мухтор ХУДОЙҚУЛ

"ЯШИЛ МАЙДОН" ЖОНБОЗЛАРИ

Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар" марказида вилоят футбол ассоциациясининг ўтган йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. **Футбол**

Тадбирда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Равшан Эрматов, вилоят ҳокими ўринбосари Сайфиддин Низомов, Ўзбекистон футбол ассоциацияси вице-президенти Шоакрам Исроилов, шунингдек, вилоят футболга муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ фахрийлар, мураббийлар, ёшлар ҳамда ишқибозлар йиғилишиди.

Маросимда ўтган йили вилоят футболда амалга оширилган ишлар бўйича тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

Кечада сўзга чиққанлар юртимизда, шу жумладан, вилоятимизда футболни ривожлантириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, шунингдек, миллионлар ўйини бўлган спорт турини янада оммалаштириш, энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий стадионлар қуриш ва маҳаллий болаларни қамраб олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида тўхталиб, жуъли таклиф ва фикрлар билдиришди. Шунингдек, маросимда вилоят футболни ривожлантиришда жонбозлик кўрсатаётган бошқарма ва ташкилотлар, ту-



ман-шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, профессионал футбол клублари, стадионлар маъмурияти ҳамда ҳомийларга ташаккур билдирилди.

Маросим якунида 2020 йилда Ўзбекистон чемпионати ва кубоги ўйинларида жамоалари энг яхши кўрсаткичларга эришган мураббийлар, футболчилар ва клублар махсус статуетка ва қимматбахо совғалар билан тақдирланишди.

Ўз мухбиримиз

"ЎЗАГРОСУГУРТА": Хизматлардан мижозлар мамнун

Реклама хуқуқи асосида

Бугунги кунда Тошкент вилоятида суғурта хизматларидан фойдаланиш кўлами аҳоли орасида тобора оммалашиб бормоқда. "Ўзагросуғурта" АЖ томонидан 2020 йил давомида вилоятдаги жисмоний ва юридик

шахслар билан 100 мингга яқин шартнома расмийлаштирилгани фикримиз далилидир. Аҳолининг суғурта хизматларига бўлганишончининг ортиши тўлаб берилаётган тўловлар билан боғлиқ, десак муболаға бўлмайди.

Таъкидлаш ўринлики, суғурта қопламалари юзасидан амалга оширилган тўловлар ва тузилган шартномаларнинг катта қисми ихтиёрий суғурта турларига тўри келади. "Ўзагросуғурта" АЖ Тошкент вилояти филиали ҳамда суғурта марказлари томонидан 700 дан ортиқ суғурта ҳодисаси юзасидан қарийб 5,5 миллиард сўмлик товон тўлаб берилган бўлса, шундан сал кам 3 миллиард сўм тўлов аҳоли мол-мулкларини бахтсиз ҳодисалардан ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш сингари ихтиёрий суғурта турлари бўйича амалга оширилган.



– Оиламиз катта эмас, атиги 5 кишимиз, – дейди "Бахти Алпомиш Инвест" фермер хўжалиги раҳбари Бунёдхон Абралов. – Шунчаки, Паркентда туғилган инсоннинг ерга, деҳқончиликка меҳрли ўзгача бўлади. Сабаби, бундай серунум, хушманзара масканда деҳқон бўлиш ҳам бир бахтда. Аммо, кўзланган ҳосилни олиш фақат бизга боғлиқ эмас. Шунинг учун ҳеч бир фермер суғурта шартномасини тузмасдан ерга чигит қадамайди. Масалан, ўтган йили ёмғир меъёридан кўп ёғиб, далани зарарқунанда ҳашаротга тўлдирди. "Ўзагросуғурта"га раҳмат, кўрган деярли 30 миллион сўмлик зарарни қисқа муддатда тўлаб берди. Суғуртанинг афзаллиги тўлов чиққанда, дўстнинг қимлиги бошга ташвиш тушганда билинар экан.

Жамиятнинг мажбурий суғурта турлари бўйича амалга оширган тўловлари 2,5 миллиард сўмдан ошади. Кўринадики, Тошкент вилояти миқёсида тўланган йирик суғурта тўловлари мажбурий суғурта турларида ҳам юқори ўринни эгаллайди. Мисол учун, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш" бўйича

тўланган суғурта қопламаларини келтириш мумкин. – Узоқ йиллардан буён ташкилотимизда ҳайдовчи бўлиб ишлаган М.Р. автоҳалокат туфайли вафот этди, – дейди "Elite konstruktion optima" МЧЖ ҳисобчиси Татьяна Сомова. – Ўз хизмат вазифасини бажараётган бахтсиз ҳодисага учраган ҳайдовчининг қарамоғида турмуш ўртоғи ва тўрт



нафар фарзанди бор эди. Компаниямиз доимий равишда "Ўзагросуғурта" АЖ билан "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш" бўйича шартнома тузиб келгани сабабли, автоҳалокатда жабрланган ходимимизнинг оила аъзоларига 168 миллион сўмдан ортиқ суғурта товони тўлаб берилди. Фурсатдан фойдаланиб, барча иш берувчиларни фуқаролик жавобгарлиги суғуртасига беварқ бўлмасликка чақираман. Бу ходим ва унинг яқинлари ижтимоий ҳимоясини таъминлайди, шунингдек, ке-

лажақда ташкилотингизни ҳам йирик молиявий йўқотишлардан асрайди. "Ўзагросуғурта" АЖ Тошкент вилояти филиали 2021 йилда аҳолига суғурта хизматлари кўрсатиш борасида кенг қўламли ишларни режалаштирган бўлиб, полис расмийлаштиришда инсон омилини қамайтириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар жозибадорлигини янада яхшилаш каби устувор вазифалар шулар жумласидандир.

"Ўзагросуғурта" АЖ
Ахборот хизмати

<p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p>	<p>Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ</p>	<p>Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</p>	<p>Қабулхона: (71) 233-64-95 Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10 Масъул котиб: (71) 233-90-82 Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10</p>	<p>Манзилими: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисими: 100000, Матбўтчилар кўчаси, 32. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусахҳиҳ Аллома АЗИЗОВА Навбатчи Комилжон МАМАДКАРИМОВ</p>
	<p>Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-135. 5 011 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоиси келишилган нархда.</p>	<p>Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Электрон почта: toshkenthqiqat@gmail.uz</p>	<p>ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 19.00 1 2 3 4 5 6</p>		